УзССР Давлат китоб палатаси
12 МАР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 48 (20. 915) 1991 йил 8 март, жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Бугун 8 март—Халқаро хотин-қизлар куни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ОПА-СИНГИЛЛАР!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига ТАБРИКНОМАСИ

Тенглик қоидалари, баҳорнинг бошланиши ва турмушнинг янгиланиши рамзи бўлмиш Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартда биз анъанага кўра аёлларга қутлов ва миннатдорчилик сўзларини изҳор этамиз. Азиз оналаримиз ва рафиқаларимиз, опа-сингилларимиз ва қизларимиз, шонли меҳнаткаш аёллар ва оилавий саранжомлик бекалари бўлган сизларнинг номингиз жамики эзгу ва порлоқ умидлар билан боғлиқдир.

Халқларнинг турмушини барча яхши ишлар ва зафарларда сизларнинг сидқидил иштирокингиздан ажратиб бўлмайди. Сизларнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат ва жанговар жасоратингиз — одамлар авлодларининг хотирасида мангу яшайди. Ҳозирги кунда, Ватан қийинчиликларни бошидан кечираётган пайтда, бутун турмушимизни янгилаш йўллари машаққат билан изланаётган пайтда ҳам тинчликка ва омон-эсонликка бўлган умидларимизни сизга қаратамиз, азиз хотин-қизлар. Сизларнинг донолигингизга, соғлом ақл-идрокингиз ва саховатингизга, меҳр-мурувватингизга, ҳозир жуда зарур бўлган иноқлаштириш ва бирлаштириш маҳоратингизга ишонамиз.

Мамлакатда хотин-қизлар ҳаракати кучайиб бормоқда. Аёл зоти ўз орасидан қобилиятли, истеъдодли раҳнамоларни етиштириб, сиёсатга тобора фаолроқ таъсир қилмоқда, жамиятнинг ақлий тараққиётида уларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Афсуски, оғир иш ҳам кўпинча аёлларнинг зиммасига тушмоқда. Жамият хотин-қизлардан қарздордир.

Коммунистик партия хотин-қизлар олдида турган муаммоларни устувор деб билиб ҳал этишни таъминлашни ўз вазифаси деб билади. Бу муаммоларнинг энг муҳимлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимояланиш вазифалари билан, оналарнинг ҳуқуқий кафолатлари, касб-кор ва жамоат турмушида хотин-қизларнинг ўз иқтидорини намоён этиши вазифалари билан боғлиқдир. Хотин-қизлар учун муносиб шароитни яратиб бериш — фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликнинг, ҳар бир оила ва бутун кўпмиллатли Иттифоқимиз омон-эсонлигининг гаровидир.

Хотин-қизлар 17 март куни ўтказиладиган умумхалқ референдумида фаол қатнашишларига, ССР Иттифоқини сақлаб қолиш учун овоз беришларига ишонамиз. Шу тариқа хотин-қизларнинг умумий хонадонимизни ва ҳар бир оилани ҳимоя қиладиган салмоқли сўзи янграйверсин.

Азиз хотин-қизлар, шу байрам куни КПСС Марказий Комитети сизларга ва ёр-биродарларингизга сиҳат-саломатлик, меҳнатда, ўқишда, ижодда катта муваффақиятлар, тинчлик ва бахт-саодат тилайди.



Сизларнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатингиз авлодлар хотирасида мангу яшайди.

В. МОЛГАЧЕВ ва Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ҚАЛБИНГИЗ ҚЎРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ...

Баҳор фаслининг аввалида ажойиб байрам — Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз. Саккизинчи март куни аёлларга гуллар совға қилишади, уларни табриклашади, лекин адолат юзасидан айтадиган бўлсак, ҳамиша шундай бўлиши керак.

7 март куни Алишер Навоий номли давлат академик катта опера ва балет театрида Тошкент жамоатчилигининг хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раисининг ўринбосари М. М. Тўлаганова очди.

Республика Вазирлар Кабинети ҳузуридаги Ўзбекистон Хотин-қизлар комитетининг раиси, «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири Ҳ. У. Худойбердиева маъруза қилди.

Ўзбекистон хотин-қизлари жумҳурият ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар, унинг ривожланишига катта меҳнат ҳиссасини қўшмоқдалар. Бинобарин, меҳнаткаш сифатида аёлларни доимо шарафлаб келар эканмиз, кўпинча унинг асосий вазифасини — гўзал аёл бўлишдек, она бўлишдек муқаддас вазифасини унутиб қўямиз. Мамлакатимизда ҳозир рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнат, дам олиш, болаларни тарбиялаш учун нормал шарт-шароит яратиш масалаларини янада ўткирроқ қилиб қўймоқда.

Ҳозир, бозор муносабатларига ўтиш даврида ўрта ҳол ва кам таъминланган оилалар катта қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Рўзғор ташвишларининг асосий оғирлиги хотин-қизларнинг елкасига тушади. Шу сабабли бундай оилаларнинг тирикчилигини барқарорлаштиришга оид ҳукумат тадбирлари билан бир қаторда, жамоат ташкилотларининг ҳам фаолиятини кучайтириш зарур. Биз хотин-қизларга ғамхўрлик қилар эканмиз, бу билан жумҳуриятимизнинг истиқболи тўғрисида ғамхўрлик қилган бўламиз.

Уй бекаси бўлган аёллар айни вақтда миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва тотувликни сақлаш учун ҳам кўп иш қилмоқдалар. Ўзбекистондаги миллионлаб хотин-қизлар бўлажак Бутуниттифоқ референдумида мустақил жумҳуриятлар Иттифоқи учун овоз берадилар.

Хотин-қизлар барча меҳнаткашлар билан биргаликда миллионлаб ўзбекистонликлар учун баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзни кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

И. КАРИМОВ, Ўзбекистон Президенти, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби:

«БИЗНИ КАПИТАЛИЗМНИ ҲАТЛАБ ЎТИШГА ЎРГАТИШГАН»

— Ислом Абдуғаниевич! Сизнинг республикангизни баъзан «коммунистик қўриқхона» деб аташади. Ўзбекистонга бундай баҳо қанчалик адолатли? Сиз бунга қандай муносабатдасиз?

— Тафаккуримиздаги консерваторлик тўғрисида, биз коммунистик дунёқараш таянчи эканлигимиз ҳақида жуда кўп гапиришяпти. Вазиятни минтақа тарихини билгандан сўнггина тўғри баҳолай олиш мумкин. Ўзбекистон Совет ҳокимиятининг бутун даврида амалда ўз давлатига эга бўлмай келди. Аммо ҳаммаёқда капитализмнинг азоб-уқубатли босқичини четлаб ўтиб, социализмга етиб келганлигимизни тарғиб ва ташвиқ қилишди. Амалда эса биз унинг энг мудҳиш аксига ўхшар эдик. Гарчи биз ҳақиқатан ҳам бошқаларникидан ёмон бўлмаган социализм қурганмиз, деб ишонтирган бўлсак-да, ҳақиқат юқоридагидек эди. Боз устига тараққиётнинг нокапиталистик йўлига ўтаётган мамлакатлардан меҳмонларни таклиф этишар ва бизнинг тажрибамизда уларни капитализмни қандай қилиб ҳатлаб ўтиш мумкинлигини ўргатишга уринишарди. Ҳозир буларнинг ҳаммаси бемаъни туюлади...

Бир пайтларда Ўзбекистон мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаши керак, деган фикр пайдо бўлди. «Оқ олтин» энг шафқатсиз усуллар билан қўлга киритила бошланди. Бунга қўшилмаганларни четга суриб қўйишар эди. Улар ўрнига итоаткор, «етиб оламиз ва ўзиб кетамиз», «беш йилликни икки йилда бажарамиз» дейдиганларни танлаб олишарди. Пахта экилмаган фақат дераза рафлари-ю, томлар қолган эди. Биз пахта мустақиллигини таъминладик. Ўрнига эса қарам иқтисодиётни олдик. Фақат бир нарса: пахтага хизмат кўрсатувчи соҳалар учун ҳамма нарса яратиларди. Бугунги куда бизда товарлар етишмайди. Уларнинг ярмидан кўпроғини четдан келтирамиз.

«Таянч»га келсак, бу гапларнинг ҳаммаси ақлсизликдан иборатдир. Бизнинг ўлкамиз инсоннятга буюк олимлар, инсонпарвар даҳолар, файласуфларни етиштириб берган қадимий маданият ўчоғидир. Бир пайтлар бундай тарихни унутишга уринишлар ҳам бўлган эди. Мана шундай мамлакат консерватив кучлар маркази бўлиши мумкин эмас.

— Сиз ниҳоятда аянчли манзарани чизиб бердингиз. Бундай аҳволдан қутулишнинг йўли борми? Сиз уни қандай тасаввур этасиз?

— Ўтган даврларни ҳаққоний таҳлил этмай, ишларнинг ҳақиқий аҳволини аниқламай туриб, боши берк кўчадан чиқиб кетишнинг тўғри йўлини топиб бўлмайди. Биз ана шундай йўлдан бордик. Биз: ҳа, бугунги кунда Ўзбекистоннинг миллий даромади, аҳолининг турмуш даражаси мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлардан бири, деб очиқ-ойдин айтамиз. Айни пайтда эса Ўзбекистон бой жумҳуриятдир. Бизда ҳамма нарса бор. Бир томондан битмас-туганмас ресурсларга, Менделеев жадвалидаги барча бойликларга эга бўлсак, бошқа томондан эса меҳнат ресурслари ошиб тошиб ётибди. Ҳозир салкам 600 минг киши донмий ишга эга эмас.

Хўш, уни қандай қилиб тузатса бўлади? Бизнинг велосипед кашф этишимиз шарт эмас. Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш керак. Биз яна беш йил чидашга розилик беришимиз мумкин. Лекин, бизга чет эл технологияси, техника, аҳоли истиқомат жойларига яқин бўлган ихчам корхоналар керак. Биз йигит ва қизларимизни илғор мамлакатларга иложи борича кўпроқ юборишимиз лозим. Улар дунёни ўз кўзлари билан кўришлари, ўша технологияни ўрганишлари зарур. Майли, қийналсинлар, майли, ўша ерда ишласинлар, аммо улар ўз юртларига бутунлай бошқача одам бўлиб қайтсинлар.

— Демак, гап ишчи кучларини экспорт қилиш ҳақида борянти.

— Ҳа, бунда ҳеч қандай чеклаш бўлмаслиги керак. Майли, хоҳлаган мафкурани, хоҳлаган техника ва технологияни ўрганиш учун борисин. Агар, биз пахтани, хом ашёни сотсак, беш йил бемалол осмонга қараб ётишимиз мумкинлиги ҳақида гапиришяпти. Мен бундай фикрга асло қўшила олмайман. Негаки, ўзининг келажак авлодлари ҳақида ўйлайдиган биронта мамлакат ўзидаги хом ашё ресурсларини сотиш ҳисобига яшай олмайди. Бизга хорижий мамлакатлар ёрдам беришга тайёр. Бизда деярли миллиард долларга етгулик таклифлар мажмуи ҳозирдаёқ тайёрлаб қўйилган. Энг асосийси — қўшма корхоналарни ташкил этиш. Улар бизда келажакнинг тамомила янги кишиларини тарбиялаши негиз бўлади. Ана шунда консерватизм, қолоқлик ҳақидаги ҳамма гапсўзлар ўз-ўзидан барҳам топади.

— Бироқ Шарқий Осиё мамлакатларида хом ашё ва меҳнат ресурсларидан ташқари янгича ишлаш бошланаётганида яна бир муҳим омил мавжуд эди. У ишлаб чиқариш муносабатлари бўлиб, биздагидан анча фарқ қиларди.

— Ўзимизнинг мулкчилик тўғрисидаги Қонунимизда Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча турлари тенг ҳуқуқли эканлигини эълон қилдик. Янги қоидалар асосида ишловчи мустақил корхоналарга ҳозирдаёқ эгамиз. Вазирликларни концернларга айлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Мулкчиликнинг бошқа шакллари — хусусий, акционерлик шаклларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланаверилади. Аммо мен хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш тарафдориман. Бир босқични тугаллаб, унинг афзаллигини кўрсатишимиз керак. Шундан кейин эса навбатдагисига ўтсак бўлади.

— Истиқбол режалари кишини ўзига ром этиши турган гап. Сизнинг президентлик даврингизда қандай аниқ-равшан ишлар бажарилди?

— Мен энг юксак минбарлардан туриб биринчи марта Ўзбекистонда 9 миллиондан ортиқ киши қашшоқ ҳолда яшаётганлигини, аҳолининг қарийб 47 фоизи болалар бўлиб, улар алоҳида шарт-шароитларга муҳтож эканликларини, бизда ўлим мамлакатдаги ўртача даражадан ҳам анча юқори кўрсаткичлардан бири эканлигини айтдим. Ҳақиқатни айта бошлаганимиздан сўнг, одамлар бизга ишониб эргаша бошладилар.

Айтиш ва ваъда бериш — ишнинг ярмиси, холос. Ер тўғрисидаги Фармон улкан вазифани ҳал этди. Мен қатъиян қилиб, пахта етиштиришни 700 минг тоннага камайтирамиз, деб айтдим. Бу 250-300 минг гектар майдон, демакдир. Иттифоқ ido-

(Давоми учинчи бетда).

СССР Федерация Кенгашининг мажлиси

6 март куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлди. Республикаларнинг мухтор вакиллари СССР Федерация Кенгаши ва Олий Кенгаши мутахассислари иштирокида тайёрланган янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Федерация Кенгаши қилинган ишни ижобий баҳолади. Муҳокама чоғида бир қанча мулоҳазалар ва қўшимчалар айтилди, ҳужжатга аниқликлар киритилди. Кенгаш лойиҳани асос учун қабул қилди ва уни жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари кўриб чиқиши учун юборди. Лойиҳа матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда жанубий Осетиядаги аҳвол тўғрисидаги ахборот тингланди. Бу ердаги аҳвол жуда кескин бўлиб турибди, газандалар гуруҳларининг ўқларидан одамлар ҳалок бўлмоқда, осетинлар ҳам, грузинлар, бошқа миллат кишилари ҳам жабрланмоқда. Федерация Кенгаши тўқнашувлар гирдобига тушиб қолган районларнинг аҳолиси турмушини таъминлаш учун зудлик билан қўшимча чора-тадбирлар кўришни, СССР Президентининг вазиятни нормаллаштириш борасидаги ягона йўлни назарда тутувчи фармонини сўзсиз бажаришни зарур, деб топди.

Федерация Кенгаши Абхазия АССР Олий Кенгаши Раиси В. Г. Ардзинбанинг ахборотини тинглаб, тегишли топшириқлар берди.

Федерация Кенгаши иқтисодий масалалар, озиқ-овқат муаммолари юзасидан битимларни бажариш манфаатларини кўзлаб СССР Вазирлар Кабинети режалаштирган тадбирларни қўллаб қувватлади. Бу ишларни ниҳоятда жадаллаштириш, хўжалик алоқалари ва маҳсулотлар етказиб берилиши сўзсиз тикланишини таъминлаш зарурлиги таъкидлади. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўймаслик, нормал меҳнат маромини сақлаш асосий вазифадир.

Федерация Кенгаши ишида СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, Бош вазир В. С. Павлов, СССР Вазирлар Кабинетининг аъзолари қатнашдилар.

(ТАСС).

17 март—СССР референдуми куни

ИТТИФОҚ ТАРКИБИДА

Ҳаммамизнинг олдимизда бир муҳим масалага муносабат билдириш кўндаланг бўлиб турибди, Иттифоқнинг ўзи керакми ёки йўқми? Агар жумҳуриятимиз Иттифоқ таркибида қолса қандай манфаат кўради? Мазкур саволларга умумий жавоб қандай бўлишини референдум кўрсатади. Шахсан ўзимнинг мулоҳазам — жумҳуриятимиз Иттифоқ таркибида қолиши лозим. Бунинг бонси иқтисодий масалалар билан боғлиқ. Биргина биз ишлаётган соҳани олайлик. Вилоятимизга қишлоқ хўжалиги учун зарур машина-механизмлар 500 дан ортиқ заводдан келади. Улар Совет Иттифоқининг турли бурчакларида жойлашган.

Фикримча, биз Иттифоқ таркибида қолган ҳолда ҳуқуқий мустақил бўлмоғимиз лозим. Ўз бойлигимизга ўзимиз эгалик қилайлик, бошқа давлат ва жумҳуриятлар билан теппа-тенг иқтисодий алоқа ўрнатайлик. Шундай иш юритиш баробарида замонавий корхоналар қуришни жадаллаштиришимиз, ўзимизни ўзимиз техника, дори-дармон, асбоб-ускуналар ва хом ашё билан таъминлашга эришишимиз зарур.

К. МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти техника таъминоти бошқармаси раисининг ўринбосари.

• Нон—ризқу рўзимиз

ТАНДИР ТЎЛА ЁПИЛДИ...

СУПРАМИЗ маккажўхори уни, нўхат, арпа унини кўрмаганига қирқ йилча бўлиб қолди. Кўрмасин ҳам. Супраларимиз оппоқ. Чунки унда ҳамиша буғдойнинг оппоқ уни эланади. Тақдирга минг шукр.

Мен оддий оиланинг фарзандиман. Оддий оиланинг бекасиман. Очарчилик нималигини, нон чучук бўлган кунларни бошимдан кечирганман. Маккажўхорию, нўхат қаерда, бурчоқ деган ўсимликнинг мевасини ёғурчоқдан ўтказиб янчиб, нон ўрнида кўриб еганмиз. Еввойи арпа бўларди. Биз уни так-так дер эдик. Уни майда қумга ўхшарди. Бир-бирига илашмасди. Тандирга ёпсанг, оқиб тушарди. Лекин кунжарадан минг марта яхши эди-да. Эллик учинчи йили бўлса керак, қишлоғимизга макарон деган нарсани олиб келишди. Сўнг буғдойнинг уни. Оппоқ. Қишлоқ бекаларининг маккажўхори, нўхат, так-так унларидан сарғайиб кетган супралари буғдойнинг унидан оқариб кетди. Бу — бахт эди.

Ун уч ёшимдан ун элаб, хамир муштлаганман. Тандир оқартиришни ўрганганман. Билагимга енгчаю кафтимга рапида тутиб, нон ёпганман. Қишлоқларимизда нон ёпадиган цехлар йўқ. Оддий новвойхоналар жуда кам. Ўттиз етти йилдан буён кундакун ора нон ёпиб, оиласини боқиб келаётган бир аёл сифатида нон ҳақида шундай дейман: ҳар банданинг нони бутун бўлсин, ризқи бутун бўлсин. Қуруқ дуохонлик билан иш бўлмайди. Нонинг бутунлиги ҳалол меҳнат боис. Пешона тери боис.

Етти фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим совхозда оддий ишчи. Маоши — 200 сўм атрофида. Мен ҳам ишлайман. Турмуш ўртоғим Бадалхон Бўриевни иккновнинг бири танийди. Сурхондарёнинг Мичурини деб билади. Касби — боғбонлик. Тожикистоннинг Чиптора қишлоғидан кўчиб келиб, воҳада эҳтимол биринчилар қатори лимон, апельсин, мандарин ўстирганмиз. Бир туп ўрик дарахтимиз бодом, олхўри, япон олхўриси, кўксултон, уч хил шафтоли тугиб турганини афғонистонлик меҳмонлар кўришиб, лол қолгани ҳеч кўз олдимдан кетмайди. Уйимизнинг юқорисидаги адирликда «Мингчинор» деб аталган боғ яратдик. Ҳар йили совхозимизга 50—70 минг туп мевали дарахт кўчатларини етиштириб берамиз. Қуш уясида кўрганини қилади, дейдилар. Фарзандларимиз рўзғорнинг ҳамма юмушларига шерик. Норхўжам олий маълумотли боғбон. Зокир ҳам боғбонликка ўқияпти. Ҳатто набираларим ўз ўйинларига «кўчат ўтказиш», «мева териш» дегандай номларни қўйиб олишган. Болаларим тиш ёриб бировга ёмон гапиришни билишмайди. Хаёллари бир дарахтда йигирма хил мева етиштириш мумкинмикан, дегандай жумбоқлар билан банд.

Дастурхонимиздан ўрик, майиз, ёнғоқ ва бошқа меваларнинг таги узилмайди, десам муболаға бўлмас. Бозордан сотиб олмаймиз. Ҳаммасини ўзимиз етиштирамиз. Шундай экан, биринчи ҳосилни ҳам, сарҳилини ҳам аввало ўзимиз истеъмол қиламиз. Нонга келсак садағаси кетай, улуғ таом. Кўнгилга тегмайди. Тирикчилик —нон билан. Бироқ фақат буғдой экиш билан нонни кўпайтириб бўлмайди. Бошқа таомлар ҳам — ризқ. Бошқа таомлар ҳам — нон. Рўзғоримиз фаровон, нонимиз кўп дедим. Бу омборимизда буғдойни тоннаси билан босиб қўйибмиз, деган маънони билдирмайди. Буғдойни ёки унни босиб қўйишга одатланмаганмиз. Ошхонамизда бўлса ярим халтача ун бордир. Лекин эртага унимиз тугаб қолса нетамиз, деб ваҳимага тушмаймиз. Чунки давлатимизга ишонамиз. Шу давлат одамларнинг қорнини нонга тўйғазди. Қийин пайтларда ҳам нонга зор қилмаяпти. Телевизордан мен Узбекистон ССР Олий Кенгашининг тўртинчи сессияси мажлисларини кўриб бордим. Нон ҳақида нималар дейишар эканлар, дедим. Нонинг нархи ошмайди, нон етарли бўлади дейишди. Лекин давлатимизнинг омборлари буғдойдан тўла экан деб молимизни нон билан семиртиришимиз керакми?! Бой эканлигимизни, ошиб-тошиб ётганлигимизни кўз-кўз қилиш учун нонни дастурхонларга тўкиб-сочиб ташлашимиз, оёқ ости қилишимиз керакми?! Яқинда бир касалхонага бордим. Ахлатхонага нон ташланганини кўрдим. Кўзларимда ёш силқиди. Қачонлардир эшитганим «инсон ниманики хор қилса, ўшанга зор бўлар» деган гап хаёлимга келди. Алҳазарким нонга зор қилмасин. Лекин айрим одамларнинг нонтепкилик қилишганини кўрсанг...

Нонни меъёрида тайёрлаш керак. Қотганидан эса «нон солди» деган хушхўр таом тайёрлаш мумкин. Толқон қилиб шакар қўшилса чой билан ичишли бўлади.

Қўлидан иш келадиган одам давлатнинг хазинасига кўз тикиб ўтирмасдан нон яратсин, нонни кўпайтирсин, дастурхонни тўлдирсин, демоқчиман. Одамзод эртанги кундан яхшиликни умид қилиб яшайди. Неки яхшилик, неки умид бўлса, ҳаммасининг рўзғарони бир нарса — НОН.

Шарифа БУРИЕВА,
Жарқўрғон район «Сурхон» давлат хўжалигининг ишчиси.



Буви ва набира.

Рассом А. АБДУЛЛАЕВ мўйқаламига мансуб.

Она ўйлари

БУНДА қанчалар теран ва фожеий маъно бор. Агар бу ўйларнинг мазмунига чуқурроқ кириб борсак, улар бизни сўнгсиз ўйлар томон, киши драмасининг бутун даҳшати ва нурли чўққиси яққол намоён бўладиган инсоний ўзаро алоқаларнинг ақл бовар қилмас уфқлари томон олиб кетади.

Онанинг ташвиш тўла ўйларида яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, ажал ва ҳаёт узлуксиз тўқнашиб туради. Мана шу ўйлар узра инсониятга энг буюк бахт-ёруғ дунёда яшаш бахтини ато этган онанинг олижаноб сиймоси намоён бўлади.

Бу илоҳий ва жафокаш сиймо барча замонлар ва халқларнинг санъаткорларига илҳом бахш этиб келган. Рафаэль, Тициан ва Рембрант полотноларида унинг сиймоси қалбимизни ҳамиша ларзага солади.

Жаҳонда она қалбидан софроқ, мунису меҳрибонроқ қалб йўқ. Она қисматнинг ҳар қандай оғир зарбаларига биринчи бўлиб кўксини қалқон қилади. Қайси бир фарзанд буни унутса — бахтга зор бўлиб, умри афсус-надоматда ўтади.

Она дарди — жаҳоний дард, умумбашарий дард, она кўз ёшлари эса — ер юзини ювган кўз ёшлардир.

Она ҳақида ўйларкансан, унинг руҳига таъзим қилмаслигинг мумкин эмас. У сени тарк этгудек бўлса, аччиқ-аччиқ йиғламаслигинг мумкин эмас.

Биз йўл қўйишимиз мумкин бўлган хатолар ва янглишишлар ичида энг оғири — онани етарли қадрламаслик, унинг ҳурматини бажо келтирмаслик, унга етарли меҳр қўймасликдир. Бу бизни кейинчалик аччиқ ўкинтириб, виждон азобига солади, афсуски, энди вақт ўтган бўлади.

Она — бу борлиқнинг негизи. Бу шундай улуғ сиймоки, замонлар ва маконлар узра ҳокима, гоҳ чароғон қуёш каби бошимизга меҳр билан нур сочади, гоҳ сокин ой каби жаҳоний дардлар ичра мунгли кезади...

Абдулҳақ АБДУЛЛАЕВ,
Узбекистон халқ рассоми.

БАҲОР КЕЛИНЛАРИ

Эрта тонгда кўчаларга сув сепилиб, супурилган бўлса, бу кўчада албатта яхши келинлар бор экан, деган фикрга келамиз. Кечагина тўйлари бўлиб ўтган ўзбек келинларининг дид-фаросати, чаққонлиги ва оилада олган яхши тарбиясидан бу.

Хотин-қизлар байрами арафасида Тошкент шаҳрида юзлаб йигит ва қизларимизнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. «Бахт» уйларининг остоналари бундай қутлуғ кунлар арафасида яна ҳам файзли бўлди.

«Ёшлик» уйи биносида жойлашган 2-«Бахт» уйида ҳам шу ҳафтада ўнлаб никоҳ маросимлари қайд этилди. Санъаткор Собиржон Солиев студент Сайёра Олламуродова билан турмуш қуришди. Ишчи Шуҳрат Абдуранимов ва талаба Гулхан Тўрабоева оилали бўлишди. Ишчи Олим Усмонов талаба Мавлуда Сафоева билан тақдирини қўшди. Ҳарбий хизматчи Жаҳонгир Саидазизов ва ҳамшира Феруза Набиева бир-бирлари бармоқларига узук тақишди. Студент Шавкат Абдуллаев ва тарбиячи Фотима Илҳомова никоҳдан ўтишди. Улар энг қувончли байрам арафасида куёвлар ва келинлар бўлишди. Булар билан умидли хонадонга бир олам қувонч, бахт-саодат, эзгу орзулар ҳам кириб борди.

2-«Бахт» уйи мудираси Рихси опа Кўчиева ёш келин-куёвларга бахт ва саодат тилар экан, байрам арафасида шаҳарда тўйлар кўпайиб бораётганлигини қувониб гапириб берди. У шу йилнинг ўзида 300 га яқин никоҳ тўйларининг шоҳиди бўлганлигини айтди.

П. АБДУЛЛА.

ҲАЁТНИНГ ГУЛШАНИ, МЕҲВАРИ АЁЛ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ... ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ, ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЎЗ ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАСИНИ ЭРКИН ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛИШИ УЧУН, УЛАРНИНГ БАРЧА ДАРАЖАЛАРДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИ ВА БУ ҚАРОРЛАРНИ БАЖАРИШДА ҚАТНАШИШИ УЧУН, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ИДОРАЛАРИДА КЕНГ ҚУЛАМДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН КУРАШАДИ.

(Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастуридан).

ТАЪЗИМ, СИЗГА УСТОЗЛАР!

Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнат ветеранлари Л. Қазанцева ва Б. Жўраева ҳозир пенсиядалар. Лекин улар комбинат ҳаёти билан алоқаларини узишгани йўқ. Ҳаётларининг энг олтин дақиқалари ана шу жонажон жамоада ўтгани, бунда улар камол топиб, элга танилганликлари билан фахрланадилар. Комбинатни иккинчи уйим, деб биладилар. Шундай экан, ишчиларнинг меҳнатдаги ютуқлари нишонланадиган ёки байрам шодиёналари кунларигина эмас, балки ёшлар ишда, оилавий ҳаётда маслаҳатга муҳтож бўлган ҳар лаҳзада улар бунда ҳозиру нозирлар.

Меҳнат ветеранлари пенсияга кузатилганидан буён комбинат қанчадан-қанча ажойиб ёшларни ўз бағрига олди. Аяжонларимиз эса улар билан танишишни, керагида ёрдам кўрсатишни ва ўз ҳаётий тажрибаларидан уларга ҳикоя қилиб беришни ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Суратда ана шундай ҳаяжонли дақиқалардан бири тасвирланган.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ХОТИНЛАРНИ ИЗЗАТ-ИКРОМ ҚИЛУВЧИЛАР ЯХШИ ОДАМЛАРДИР

ҲАДИСЛАРДАН

● Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинглар.

● Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли-аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир.

● Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи — бу унинг онасидир.

● Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

● Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

● Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига [яъни оила аъзоларига] хушмуомалада бўладиганларингиздир. Хотинларнинг яхшиси эрининг кўзини қувонтирадиган, амрига итоат қиладиган ва у ёқтирадиган нарсасини ёқтирадиган ва ёқтирмайдиганини ёқтирмайдиган бўлади.

● Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳлу аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур.

● Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Тангри йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат қилувчи, кундузлари рўза тутувчилар билан баробардир.

● Қайси бир мўминга Тангри солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демак унинг диёнатининг ярмига ёрдам қилибди. Қолган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракат қилсин.

● Кимки учта қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб вояга етказиб, муносиб жойларга узатса унинг мукофоти жаннатдир.

● Расулуллоҳ жангларда аёлларни ва норасидаларни қатл қилишни ман этганлар.

ЎЗБЕКЧА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ

ҚИРҚ КОКИЛИНГ— ҚИРҚ ЭРТАК

Яна новдаларда куртаклар бўртиб, ариқ бўйларида ялпизнинг хуш бўйи анқиб қолди, зил-замбил қишки кийимларимизни пардек енгил атлас кўйлаклару ироқи дўппиларга алмаштириб, турмакланавериб, анчайин мўртлашиб қолган, ранги синиққан сочларимизни қирқта ўриб, орқага ташлаб, толбаргакдан сочпопуклар тақиб, дўстлар билан Наврўз сайлига шошиладиган, бир-биримизни бу гўзал айём билан қутлайдиган ҳаяжонли дамлар яқинлашмоқда. Ҳадемай, қир-адирлар лола-қизғалдоқларга тўлади. Юрагида муҳаббат, лолалар куртак оча бошлаган қизгина тимқора, қалин сочларини райҳон сувига ювиб, толим-толим тараб, аясининг қошига келади:

— Аяжон, сочларимни бу гал қирқкокил қилиб ўринг, қирқтасида қирқ сеҳрни яширинг. Токи улар ортимда қирқта эртак, қирқта қўшиқ бўлиб куйлаб турсинлар, — дейди эркаланиб.

Ўн етти баҳорнинг беором шавқлари томирларида жўш урган бу қизгина бугун Зуҳрадай латофатга чулғангиси, ўз Тоҳирининг кўзларига унинг каби гуллар, кўклам, ишқ маъбудаси бўлиб кўрингиси келмоқда. Агар унинг Тоҳири ҳам бошидаги қийиқчасини оҳисталик билан ечиб олиб, тафтли қўллари билан тарайдиган, атиргул ғунчасини ҳидлаган каби тўйиб-тўйиб ҳидлайдиган бўлса, бу унинг булоқдай тиниқ кўзларига тик қарай олмай аста кўксига бошини Зуҳрадай эгади-да, ҳаёдан юзлари ловлов ёниб шеър ўқийди:

Сочим менинг олов сочлар ўримидир,
Силар бўлсанг, куйдиради қўлларингни.
Ташлаб юрсам бир озгина кўримлидир,
Узун-узун, супуради йўлларингни.

Қизгина шундай хаёллар билан аясининг бағридан чиқиб, ичкари кирди. Кўкламга, наврўзи оламга атаб тиктирган номозшомгул атлас кўйлагини кийиб, учларига пахтадан пилик, кўзмунчоқлар тақилган бир қучоқ сочларини елкасидан ошириб, ўзини кўзгуга солди. Парқларига, қошу киприкларига оро бериб, тўрт томонига тўрт ғунча тасвири туширилган ироқи дўпписини сочи устидан қўндирди. Қулоқларига аясининг шибирға кўзчалари марвариддай товланиб кўзни қамаштирувчи кумуш балдоғини тақди. Оёғига аясининг мунчоқлар қадалган каштали амиркон ғарчча туфлисини кийди..

[illegible]нинг ҳикоя қилишича, илгарилари, яъни улар ёш бўлган пайтларда аёлларнинг устидаги кийимлари, сочларини ҳар хил қилиб ўришлари маълум маънони англатган. Қизларнинг сочи узун ёки калта, қалин ёки сийрак бўлиши уларнинг қалб дунёси, хулқу одобига ишора бўлган. Сочли келин қўҳлик келин ҳисобланган. Қирқта ўрилган сочлари тақимини ўпадиган қизлар бахтли-тахтли бўлишлари башорат қилиниб, мақтови тилдан тушмаган.

Соч — бу ҳусн, аёл зотининг таржимаи ҳоли ҳисобланади. Сочни иккита қилиб ўриб, орқасига ташлаб юриш турмушга чиққан аёлларга хос бўлган. Бу —турмушга чиққанман, «жуфту ҳалолим бор» деган маънони англатади.

Сочга оро бериш хотин-қизларимизнинг хусни-латофати бўлиш билан бирга, ўзига хос ажиб маъно касб этиши ва бу халқимизнинг азалдан қолиб келаётган урф-одатлари мужассами экани ҳақида суҳбатлашдик. Бундан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг диди, хоҳиши, қолаверса маънавиятига боғлиқ.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари номзоди.

АЁЛ, СЕН ГЎЗАЛСАН

Шўхчан даврларда аллақандай файз. Ўзига оро берган, бири-биридан гўзал, истараси иссиқ қиз-жувонлар ноз билан бир-бирларини рақсга тортадилар. Ана навбат нигоҳлари ўйчан, сочларига оқ оралаган жуссаси кичик аёлга келди. Унинг ёши нари борса қирқдан ошмаган. Аммо юрагидаги яширин дард юзларига ўз соясини солганлиги аён. У ноз қилмади. Даврага қушдай елиб, қиличдай кесиб кирди. Қўлларини муаллақ ҳавода чарх урдириб, нигоҳларини нимагадир маюс тикиб, оёқларини вазмин, салобат билан ташлаб рақсга тушди. Унинг юзлари, кўзлари, лаблари йиғлар, юраги, бутун вужуди аламдан титрарди. Аммо сир бой бермай дард билан, алам билан ўйнар, юрагини ёзарди. Аламзада имолар, курашчан қўл ташлашлар, таҳдид ила силкинишлар аёлнинг дилидагини сўйларди...

Аёл йигирма беш ёшида бева қолди. Энди ўйнаб куламан деганда ёлғизлик азобига дучор бўлди. Тўлдим деганда тўкилди, етдим деганда йиқилди. Икки норасидасини бағрида ўғайлик нонини едирмай ўстирди. Қошлари ўсма кўрмади, қўллари узук, қулоқлари балдоқ, оқу мисол бўйни тилло, марварид кўрмади. Севганидан, вафодор умр йўлдошидан айрилдими ҳавасларга, ҳоҳиш-истакларга на ҳожат...

Инсон дунёга бир маротаба келади, бир марта севади. Содиғига боғландими икки дунёда кўнгил узолмайди. Аёл фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказяпти. Ёлғиз ўғлидан айрилган мунис қайнонасини ташламаяпти. Маош олди дегунча қайнонасиникига шошилади. Онаизорнинг ўксик кўнглига юпанч бўлгиси келади.

Гоҳо шу аёлга «яхши бўлса эр чиқарди, бир балоси борки...» дея «тош отишади»... Баъзи бировлар «Сизга лойиқ куёв топсам эрга тегасизми?» деганларида унинг тим қора кўзлари жиққа ёшга тўлади. Ғунчадек лаблари асабий титрайди. Ҳақоратлангандай ўксиб-ўксиб йиғлайди. Турмуш ўртоғининг қабрига бориб ундан руҳий мадад, куч-қувват, сабр-қаноат сўраб бироз таскин олади. Аммо бировга оғиз очмайди, бахтсизлигидан нолимайди...

Орамизда, гулшан аро тиканлардек юракларга, тилакларга, ҳаёлларга қадоқдай ботгувчи шундай қабиҳ аёллар ҳам борки, аламдан тарс ёрилгудек бўласан киши. Афсуски, дориламон давримизда муҳаббатнинг, садоқатнинг, ориятнинг қадри чақачалик бўлмаяпти. Рост гап, айрим ҳуснига мағрур аёл мол-мулк, дунё, дуру-гавҳар деб ёридан, фарзандидан юз ўгиряпти. Ҳатто тўртта фарзанд топиб «севиб қолдим нима қилай», деб ўзини боши берк кўчаларга уряпти. Бугунги бахтидан бошқа айланиб йўлидан адашяпти.

Надоматлар бўлсинки, аёл ҳузур-ҳаловатни ўйлаб ширин оиласидан, дилбандидан, ота-онасидан кечяпти. Ўзи аёл, она бўла туриб пул учун, бойлик, мансаб, сохта-обрў эътибор учун оилали, фарзандли эркакка кўнгил беряпти ва бундай андишасизликдан сира уялмаяпти.

Афғон урушида ногирон бўлиб келган хоразмлик Гулмирзанинг ҳаёти билан танишар эканман, унинг қайлиғига меҳр-муҳаббатим минг чандон ошди. Нозик ниҳол келинчакнинг яримжон, шиқаста дил йигитга турмушга чиқиши, севгисига садоқати лол қолдирди мени. Энг ёмони ҳаётда йигирма-ўттиз йил бирга яшаб эрининг касалмандлигидан нолиб аюҳаннос солаётган аёлларнинг учраши эмасми?! Энг даҳшатлиси соғлиғида, гўзаллигида ёрим деб, беморланса «пул тополмаяпсан, ишга ярамаяпсан», деб дашномларга кўмиши эмасми?!

Ҳаётда оқни ҳам, қорани ҳам кўрдим. Ота-онаси, жигарбандлари, фарзандлари қувончи, шаъни учун ор-номусни қаттиқ ушлаб рўзғор тутганлар ҳам бор. Улар бояги рақсга тушган аёлдай гўзал, кучли кўринади кўзимга. Ахир ҳаётда ҳар доим ҳам инсоннинг айтгани бўлавермайди. Гоҳо баланд, гоҳо паст яшашга тўғри келади. Ширинига мағрур, аччиғига жирраки бўлмаган яхши. Бунинг учун ирода, ақл жуда-жуда зарур.

Ташқарида баҳор. Оппоқ ҳарир пардаларини улоқтириб тонг отяпти. Юлдузлар ҳам кўз қисишиб узоқлашади. Эркаги йўқ уйда ҳам эркак, ҳам аёл бўлганлардан бири дарвоза қулфини аста очади. Келинлиги, ёшлиги, оналиги, бевалиги ўтган ҳовлига меҳр билан разм соларкан, «Кунимиз қутлуғ, дилимиз равшан, имонимиз бақувват бўлсин» дея тилак айтади. Мен ўша нотаниш, вафодор, ҳалол аёлга таъзим қиларканман, «Қадамингда гуллар очилсин. Севишни, садоқатни, ҳалолликни, оқибатни сендан ўрганишсин. Сен гўзаллар гўзалисан» дегим келади.

Мукаррама ҒАНИЖОН қизи.

Лариса доира чалади

Сиз суратда кўриб турган доиракаш рус қизи Лариса бўлади. Тошкентда бир неча йилдан буён доира чалиш маҳоратини эгалламоқда. Унинг бирдан-бир орзуси келгусида етук созанда бўлиш.

Лариса Невидимова асли Свердловск шаҳридан. Ёш қиз шаҳардаги музика мактабини битирганидан кейин Москвада жаҳон ёшлари ва студентлари халқаро фестивалида қатнашади. Ўшанда Горький номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон доирачилари иштирокида берилган концертни кўриб Шарқнинг мусиқа чолғу асбобларини севиб қолади. Шундан кейин бу ажойиб санъат сирларини ўрганиш ниятида Тошкентга келиб, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига ўқишга киради. Санъат билим юртида тажрибали ўқитувчи-мураббийлар И. Икромов, С. Каримов, А. Юнусов, Б. Отаев ва бошқалар Шарқ мусиқа чолғуларининг сирларини унга меҳр билан ўргатишди. Билим даргоҳида ташкил этилган мақомчилар дастасида ҳам баркамол ижрочи сифатида қатнаша бошлади. Чолғучилар билан ҳамкорликда жойларга бориб мароқли концертлар беришди. Лариса қўшилишиб ижро этган «Наврўзи ажам» «Гардуни бузрук», «Гулбаҳор ва тановар», «Шароф» куйлари мароқли ижро этилганда тингловчилар доирачи рус қизининг маҳорати ва даллилигини қайта-қайта олқишладилар.

Лариса Невидимова якка усулда ҳам бир неча куйларни моҳирона чалади. Унинг ўзи Тўйчи Инағомов, Илҳом Икромов ўргатган доира усулларини завқ билан чертганда истеъдодига қойил қоласан киши.

Ларисанинг таъбири билан айтганда, Шарқ халқларининг маданияти чексиз хазинадир. Уни қанчалик чуқур ўрганган сари кишига олам-олам билим ва завқ беради.

— Менинг тасаввуримда оддий доирани маҳорат билан чала билган инсонгина бу маданиятнинг мазмуни, моҳияти ва қадрига чинакам ета олади. Масалан, мен Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг меъморчилик обидаларини, уларга моҳирона ишланган нақшлар жилосини ёки айтайлик оддий ҳунармандчилик намуналарини кўрганимда қалбим торларидан доира оҳанглари ўйноқлаб ўтиб турагандек бўлади.

Лариса келгусида бир умр ана шу севимли касбнинг соҳибаси бўлиб камолатга етмоқчи. Келгусида М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ўқиш ниятида.

Абдулла ПУЛАТОВ,
В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«БИЗНИ КАПИТАЛИЗМНИ ҲАТЛАБ ЎТИШГА ЎРГАТИШГАН»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ралари, мамлакат Госплани олдига, сиз нимани ёсангиз ёзаверинг, аммо мен уларни бажармайман, деб масалани кўндаланг қўйдим. Бизнинг тоқатимиз тоқ бўлганлигини у ердагилар тушуниб етгач, ушбу масалаларни ҳал этишга ёрдамлашдилар. 165 минг гектар майдонни бўлиб бердик. Деҳқонлар томорқаларини қарийб икки баравар кўпайтирдик. Шунинг натижасида одамларда қизиқиш уйғонди. Айтингчи, инқилоб бир пайтлар деҳқонларни ўзига нима билан жалб этган эди? «Ер — деҳқонларга!» шиори билан. Ҳозир биз барча хонадонда чорва бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратяпмиз. Шахсий хўжалик соҳибларининг уюшмасини ташкил қилдик. Улар келажакдаги фермерлардир. Бизда озиқ-овқатнинг 40 фоизи якка хўжаликларда етиштирилади. Улар ихтиёридаги ерлар эса суғориладиган барча экин майдонининг бор-йўғи олти фоизини ташкил қилади. Бу йил бозорларимиздаги аҳвол ҳар ҳолда чидайдиган даражада. Ўша ажратиб берилган 165 минг гектар ўз самарасини бера бошлади.

— Ислом Абдуғаниевич, республикангиздаги миллатлараро муносабатлар аҳволини қандай баҳолайсиз?

Фарғонадаги воқеалар ва, ундан кейингилар турли миллат кишилари ўртасида бир-бирларига нисбатан ишончсизлик туғдирди. Буларнинг ҳаммасини кимлар бошлади? Имоним комилки, ушбу воқеа-ҳодисаларнинг маркази жумҳуриятлардан ташқаридадир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида иттифоқдош жумҳуриятларнинг аҳволи танг бўлиши кимларгадир жуда зарур. Ана шундай вазиятда исталган пайтда уларнинг ички ишларига аралашиш ва масалани хоҳлаган тарафга қараб ҳал этиш мумкин бўлади.

— Кейинги пайтларда Туркистон иттифоқи тўғрисида тез-тез гапирмоқдалар. Ўтган йили Олмаотада Туркистон жумҳуриятлари раҳбарларининг учрашувидан сўнг бу гап-сўзлар, айниқса, кучайди...

— Мен бизнинг Олмаотадаги учрашувимиз мантиқан тўғри ва объектив бўлган эди, деб ҳисоблайман. Биз иқтисодий жиҳатдан бир-биримиз билан узвий алоқада бўлмай туриб, ёнма-ён яшай олмаймиз. Ҳозир биз чап қўлимиз билан ўнг қулоғимизни қашимоқдамиз. Берадиган хом ашёмиз ўрнига донни Қозоғистондан келтириш мумкин бўлган бир шароитда уни бизга бешта жойдан етказиб беришяпти. Нега шундай? Чунки, бу Госпланга керак. Давлат режа қўмитасидагилар кабинетда ўтириб олиб, озгина Украинадан, озгина Олтойдан, озгина Қозоғистондан... олинглар, деб айтишади. Агар барча иш ўзининг табиий қонуниятлари асосида амалга ошадиган бўлса, у ҳолда Госпланнинг нима кераги бор? Бироқ маълум бўлишича, бошқача фикрлайдиган кишилар ҳам бор экан. Улар буюк Турон давлатини тузиш ғоясини олға сурмоқдалар. Мазкур шахслар ўз навбатида бизнинг учрашувимиздан ана шундай кайфиятларни уйғотиш учун фойдаланишди. Бу одамлар тарихни ҳам, ҳозирги аҳволни ҳам мутлақо тушунишмаяпти. Тожиклар ҳозирданоқ анча каттароқ бўлган Ўзбекистон Республикаси уларнинг манфаатларини камситишидан ҳавотирга тушмоқдалар. Қирғизистонда рўй берган можаро наҳотки сабоқ бўлмади? Тарих орқага қайтмайди. Биз Ўрта Осиёда ҳамдўстлик ҳақида гапиришимиз мумкин. Биздаги жумҳуриятлар ўртасидаги чегаралар ниҳоятда хавфли масаладир. Бу сарҳадлар бир пайтлар сунъий равишда белгиланган дейиш мумкин...

Мен, Қозоғистоннинг ўйнаётган ижобий, жипслаштирувчилик ролини таъкидлаб ўтишим керак. Уни ҳар қанча қўллаб-қувватласа ва табрикласа арзийди.

— Жумҳуриятнинг янги парламентида оппозиция пайдо бўлди. Сиз уни ҳис этяпсизми? У парламентнинг иш олиб боришига ёрдамлашмоқдами?

— Агар у ўз фикр-мулоҳазасига, тушунчасига, истиқболига эга соғлом оппозиция бўлганида эди, мен уни қутлаган бўлар эдим. Аммо, мен учрашган, баҳсмунозара олиб боришга тўғри келган кишилар ҳақида гапирадиган бўлсам, қатъиян айтаманки, уларнинг кўпчилиги ҳокимиятга интилмоқда. Уларга амал курсисини беринг, дарров хотиржам бўлишади ва халқни эсдан чиқариб қўйишади. Ана шунда ҳозиргилардан баттар консерваторларга айланишади. Тартибот томонидан бир вақтлар ажратиб қўйилган ва ҳозирда «демократизм», «фикрлар хилма-хиллиги»га таянаётган кишилар кўпроқ мақтанчоқлик билан оворадирлар. Улар ушбу тартиботга қарши кураш олиб борар эканлар, қўйиб қўйилса, улар бажонидил яна ўзларининг эгаллаган жойларига қайтиш ва ҳаммасини унутишга тайёрдирлар.

Аммо, таъбир жоиз бўлса, оппозиция эмас, балки бошқа нарса — муҳит мавжуд. Тушуняпсизми? Яшашни, ишлашни истовчи, ижод қилишни хоҳловчи ёшлар бор. Улар ёлғон-яшиққа тоқат қилолмайдилар. Улар депутатлар орасида икки марта қамоқда ўтириб чиққан, ойлик маош ҳисобига яшамаётган кишилар борлигини, тилда бошқача гапириб, амалда бошқасини қилаётган шахсларни кўриб туришибди. Улар буларнинг ҳаммасидан нафратланмоқдалар. Жамиятимизда уларнинг ўзларига муносиб жойларни эгаллашлари учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш керак.

Жаҳондаги биронта парламентда биздагидек ола-ғовур йўқ. Парламентдаги ўринлар учун партиялар курашар экан, бунда қандайдир тартиб бор. Ҳар бир депутат ўзини, унинг овозини сотиб олишларини кутиб ўтирадиган бўлса, бундан даҳшатлиси йўқ. Бундай парламентдан хоҳлаган нарсани кутиш мумкин. Шу боис мен барча ғоялар, ижтимоий қатламлар ва манфаатлар жой оладиган парламент тарафдориман.

А. АЛИМОВ,
А. МУРСАЛИЕВ,
(«Комсомольская правда». 1991 йил 7 март).

ПУЛ АЛМАШТИРИШНИНГ АКС САДОСИ

50 ва 100 сўмлик пуллар алмаштирилиши мавзуси газеталар саҳифаларидан йўқолиб боряпти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг шу мавзуга қизиқиши эса, аксинча, ортяпти. Текширувлар чоғида ҳозирнинг ўзидаёқ пул алмаштиришнинг кўзда тутилган тартиби 6 минг мартадан кўпроқ бузилганлиги аниқланди, деб хабар қилишди ТАСС мухбирига ТАСС Ички ишлар вазирлигида. Фош этилган фактларнинг 73 фоизи савдо корхоналари ва муассасаларига тўғри келади. Банк системасида 200 дан зиёд тартиббузарликнинг олди олинди. Турли идораларга бўйсунувчи ва мулкчилик шакли ҳар хил бўлган жами қарийб 50 минг объект текширувдан ўтказилди. Натижада 20 мингдан кўпроқ ҳолда ҳаммаси бўлиб 77 миллион сўмлик пул алмаштириб берилмади. Шунисси диққатга сазоворки, бу маблағнинг деярли ярмини алмаштириш учун савдо корхоналари топширган.

Ҳозирга қадар аниқланган пул алмаштириш тартибини бузиш ҳоллари 155 та жиноий иш қўзғаш учун сабаб бўлди. 4 мингдан зиёд мансабдор ва моддий жавобгар шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

(ТАСС мухбири).
Москва.

СССР 60 йиллиги номли Косонсой шойи тўқиш фабрикаси ишчилари бозор иқтисодиёти шароитида янги техника ва технологияни тезроқ жорий этиб ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартишга, энг муҳими эса истеъмолчиларга кўпроқ харидорбоп маҳсулотлар етказиб беришга аҳд қилишган.

СУРАТДА: фабрика директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ф. Акромов ва шу корхона касаба уюшмаси комитетининг раиси С. Абдуҳамидовалар тайёр маҳсулотлар сифатини кўздан кечиришмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ «МАМЛАКАТНИ ЭКОЛОГИЯ ЖИҲАТИДАН СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши шуни қайд этадики, сайёрамизнинг энг катта экология фалокати бўлмиш Орол муаммоси жуда кескин тус олди. Кенг минтақада санитария-эпидемиология, ижтимоий-иқтисодий ва экология вазияти ёмонлашиб бормоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Қизил Ўрда, Хоразм ва Тошҳовуз вилоятларида турмушнинг барча соҳаларида жонсарак вазият вужудга келди, одамларнинг яшаш шароитлари ва сиҳатсаломатлиги кескин ёмонлашмоқда, аҳолининг ва болаларнинг нобуд бўлиш даражаси ошмоқда.

Минтақадаги экология вазияти инсон назоратидан чиқиб кетди. Орол атрофи иқлими кескин ёмонлашмоқда, Қуриган денгиз тубидан туз ва қумнинг ҳавога учиши кучаймоқда. Минтақадаги ичимлик сувнинг асосий манбалари — Амударё ва Сирдарёнинг пестицидлар билан хатарли равишда булғаниши ва туз босиши давом этмоқда. Хатарли сизот сувлари сатҳи кўтарилмоқда, боғ ва токзорлар нобуд бўлмоқда, иморатлар емирилмоқда. Тупроқ унумдорлиги пасаймоқда, яйловлар завол топмоқда. Денгиз суви ҳаддан ташқари шўрланиши оқибатида унда балиқ овлаш тўхтаб қолди, қимматбаҳо балиқ турларининг насли тугаб бормоқда. Саҳро кенгайишининг жаҳон аҳамиятига молик маданият, тарих ва меъморий ёдгорликларига вайрон қилувчилик таъсири кучайиб бормоқда. Мазкур экология фалокатининг халқ хўжалигига етказаётган иқтисодий зарари умуман Орол атрофи бўйича йилига бир неча миллиард сўмга етмоқда.

Ерларнинг саҳрога айланиб бориши тобора янгиянги районларни ўз ичига олиб, оролбўйларининг Қорақалпоғистон АССР, Қизил Ўрда, Тошҳовуз, Хоразм вилоятларидан ташқари Қозоғистон ССРнинг Актюбинск вилояти, Ўзбекистон ССРнинг Бухоро вилояти ва Туркманистон ССРнинг Чоржўй вилояти баъзи районлари ҳудудига ҳам ёйилмоқда. Ишлаб чиқарувчи кучлар заиф ривожланганлиги, минтақа аҳолисининг ижтимоий-маиший турмуш шароитлари даражаси пастлиги атроф муҳитнинг сифати ёмонлашувини кучайтирмоқда.

Орол денгизи қуриб, оролбўйлари саҳрога айланиб бораётганлиги мамлакат ва иттифоқдош жумҳуриятлар давлат ҳамда хўжалиқ идораларининг денгиз ҳавзасида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш стратегиясини нотўғри танлаганликлари, ер ва сув бойликларидан экстенсив фойдаланилганлиги, бу ерларда асосан пахта ва шоли етиштиришга берилиб кетилганлигининг натижасидир.

Суғориш системаларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Сув истеъмол қилиш солиштирма салмоғи лойиҳада белгиланганидан ошиб кетмоқда, коллекторзовур тармоғи мутлақо етишмаслиги ва қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилганлиги шароитида бу нарса ерларнинг кенг миқёсда шўрланишига, уларнинг деҳқончилик оборотидан чиқиб қолишига олиб келмоқда.

Қайта қуриш йилларида Орол муқкулоти тевараги-даги сукунат пардаси кўтарилди, ерларнинг саҳрога айланиши таъсирини юмшатиш, турмуш шароитини ва санитария-эпидемиология вазиятини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзида минтақада хўжаликлараро, шаҳар ва ички қўрғон тарқатиш тармоқлари бўлган катта ва туркум сув қувурларидан салкам 1900 километри ётқизилди, 300 тага яқин сув чучитиш қурилмаси ўрнатилди, бу тадбир 580 мингдан кўпроқ кишини ичимлик сув билан таъминлаш имконини берди, 2200 ўринли касалхоналар ва кунига 1500 беморни қабул қиладиган поликлиникалар қурилди. Аҳоли ёппасига диспансер кўригидан ўтказилди, аҳолини соғломлаштириш, Амударё этакларидаги табиий муҳитни қисман қайта тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

СССР Олий Кенгашининг «Мамлакатни экология жиҳатидан соғломлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1989 йил 27 ноябрь қарорини бажариш давомида ҳукумат комиссияси, иттифоқ-республика «Орол» консорциуми, «Орол» илмий-тадқиқот ва мувофиқлаштириш маркази ҳамда унинг Нукус бўлими тузилди. Денгизни қайта тиклаш концепциясини ишлаб чиқиш юзасидан конкурс ўтказилди. «Орол денгизини тиклаш, соҳасидаги ҳаракат режасини тайёрлашда қатнашиш» деб аталган СССР—ЮНЕП лойиҳаси тузиб чиқилди. Мамлакатимиз олимлари ва БМТнинг атроф муҳит дастури (ЮНЕП) экспертлари ишчи гуруҳи Орол денгизини тикламай туриб минтақанинг экология системаси мувозанатига эришиб бўлмайди, деган хулосага келдилар.

Шу билан бирга СССР Олий Кенгаши кўрилаётган чора-тадбирларни етарли эмас, деб ҳисоблайди. Илгари Орол муаммолари юзасидан марказий идоралар қабул қилган қарорлар Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда қониқарсиз бажарилмоқда. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари объектларининг кўпи белгиланган муддатда ишга туширилмади. Аҳолини ишга жойлаштириш муаммоси мушкуллашиб бормоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда.

Минтақанинг сув бойликларини исроф қилишдек яроқсиз одат бартараф этилмаган, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш масалалари сust ҳал этилмоқда, булғанган сувни Амударё ва Сирдарёга оқизиб юбориш давом этмоқда, суғориш системаларини комплекс таъмирлаш, сув таъминоти, канализация системалари ва тозалаш иншоотлари объектларини қуриш, фитомелиорация ва тупроқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларнинг суръати паст. Орол денгизи ҳавзасининг сув, ер ва бошқа табиий бойликларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемасини ишлаб чиқиш пайсалга солинмоқда. Иттифоқ ва республика бюджетларидан етарли миқдорда маблағ ва моддий ресурслар ажратилмаяпти. Аҳолининг сиҳатсаломатлигини сақлаш, айниқса касалликларнинг олдини оладиган ва даволайдиган муассасаларни қуриш, зарур моддий-техникавий базани барпо этиш ва тиббий кадрлар билан таъминлаш ишлари қониқарсиз ҳал этилмоқда. Қорақалпоғистонда, Қизил Ўрда, Тошҳовуз, Хоразм вилоятларида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли тегишли республикалардаги ва умуман Совет Иттифоқидаги ўртача даражадан анча паст. Таркибида пестицидлар ва бошқа булғатувчи моддалар меъёридан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоғи ортиб бораётганлиги ҳам аҳволни мушкуллаштирмоқда.

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Оролбўйида аҳоли яшашининг санитария-эпидемиология шароитини, ижтимоий-иқтисодий ва экология вазиятини тубдан яхшилаш, Орол денгизининг сатҳини барқарорлаштириш, сўнгра эса денгизнинг ўзини босқичма-босқич тиклаш ҳам умумиттифоқ дастурий вазифаси, деб ҳисоблансин.

СССР Вазирлар Кабинети, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРнинг олий давлат бошқарув идоралари билан биргаликда 1991 йилнинг биринчи ярмида Орол денгизини сақлаб қолиш ва босқичма-босқич қайта тиклаш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиб, СССР Олий Кенгашига тақдим этсин, бу лойиҳани Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиёти шароити билан боғласин.

Оролбўйи аҳолиси турмушининг ижтимоий-иқтисодий санитария-эпидемиология шароитларини тубдан яхшилаш ҳамда Орол денгизини тиклаш юзасидан 1991-1995 йилларга ва 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли иттифоқ-республика дастури ишлаб чиқилиб, 1991 йилнинг III кварталида тасдиқлансин. Минтақадаги экология вазияти кескинлашганлиги ва ҳаддан ташқари ёмонлашганлигини эътиборга олиб, Оролбўйида аҳоли яшашининг тиббий-санитария шароитини, ижтимоий-иқтисодий ва экология вазиятини яхшилаш юзасидан 1991-1992 йилларга мўлжалланган ҳеч кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларнинг иттифоқ-республика дастури юқорида кўрсатилган узоқ муддатли дастурнинг биринчи босқичи сифатида бир ой муддатда тасдиқлансин. Бу дастур бажарилишини таъминлаш устидан назорат ўрнатилсин.

Умуман Орол муаммосига оид ишларни, шу жумладан илмий тадқиқотларни пул билан таъминлаш республика ва иттифоқ бюджетларини бирлаштириш ҳисобига амалга оширилсин, бу ишлар асосан марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган моддий-техника воситалари билан таъминлансин.

2. СССР Вазирлар Кабинети минтақа республикалари олий давлат бошқарув идоралари билан биргаликда 1991 йилнинг биринчи ярмида Оролбўйидаги экология фалокати зонасининг чегараларини ва мақомини белгилайдиган меъёрий ҳужжатларни, ерларнинг саҳрога айланиши ҳамда одамларнинг соғлигига салбий таъсир қиладиган бошқа омилларнинг даражасига қараб Оролбўйи аҳолисига компенсация тўлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашнинг район коэффициентларини жорий қилиш ва ошириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин.

Оролбўйи минтақасидаги экология фалокати оқибатларининг таъсирига учраган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси 1991 йилда тақдим этилсин.

Орол денгизини табиат объекти тарзида сақлаб қолиш, шунингдек Амударё ва Сирдарёнинг қуйи этакларида бемалол яшаш шароитини яратиш мақсадида 1991 йилдан 2000 йилгача доимий бериб туриладиган сув ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилсин.

3. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг Орол денгизини тиклаш бўйича республикаларо комиссия тузиш ҳамда Оролбўйи аҳолисига ёрдам жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Орол денгизи ҳавзасининг сув бойликларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида 1991 йилда узоқ муддатли республикаларо шартномани ишлаб чиқиш ва тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

4. Минтақадаги иттифоқдош республикаларнинг давлат бошқарув идоралари Оролбўйи аҳолисини яхши сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда одамларнинг сиҳатсаломатлигини мустаҳкамлаш чораларини тезроқ амалга ошириш тадбирларини кўрсинлар. Орол муаммоларига оид узоқ муддатли дастур таркибида «Оролбўйи аҳолисининг овқатланиши» бўлимини ҳамда «Орол болалари» соғломлаштириш-даволаш кичик дастурини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблансин. Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини ривожлантиришга, тиббиёт кадрлари билан мустаҳкамлашга дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга ва касалликларнинг олдини олишнинг тиббий-биология жиҳатлари юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Сирдарё ва Амударё этаклари аҳолисини яхши сифатли ичимлик сув билан таъминлашни жадаллаштиришга оид амалий тадбирлар рўёбга чиқарилсин, ташқи манбалардан тоза сув бериш, шунингдек ичимлик сувни қадоқлайдиган заводлар қуриш имконияти кўриб чиқилсин.

СССР Вазирлар Кабинети бу масалаларни рўёбга чиқаришда ёрдам берсин.

5. Иттифоқдош республикалар ва Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашларига Орол денгизи ҳавзасидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини табиатдан фойдаланишнинг юксак экология маданиятини, сув, ер ва ўсимлик бойликларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган қатъий илмий асосга ўтказиш юзасидан илгари қабул этилган қарорларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш тавсия этилсин. Бўлғанган сувни Амударё ва Сирдарёга оқизишни тўхтатиш, пестицидлар ишлатишни камайтириш ва тартибга солиш, аҳолининг соғлиғини сақлашни яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин. Фитомелиорация ва тупроқни муҳофаза қилиш ишлари мажмуининг бажарилиши таъминлансин. Табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий идораларга, совет ва хўжалик идораларига ҳамда илмий ташкилотларга бу масалаларда ҳар томонлама ёрдам берилсин.

6. СССР Фанлар академияси билан СССР Давлат фан ва техника комитети Нукус шаҳрида «Орол» илмий тадқиқот комплекс маркази Нукус бўлими негизида СССР Фанлар академиясининг Орол денгизи ҳавзаси экология ва сув муаммолари институтини ташкил этишни 1991 йилда ниҳоясига етказсинлар. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини илмий ва ахборот жиҳатидан таъминлаш ҳамда шу масалалар юзасидан Ўрта Осиё республикалари билан Қозоғистоннинг илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш кучайтирилсин. Шу институтнинг Тошҳовуз, Аралск ва Урганч шаҳарларида бўлимларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин. СССР вазирликлари ва идоралари билан биргаликда мудофаа саноати тармоқларини тинч соҳага ўтказиш давомида «Бойқўнғир» космодромининг ва республикалар илмий кучларининг мавжуд имкониятларидан фойдаланиб, Орол бўйидаги атроф муҳитнинг ҳолатини кузатиш ва башорат қилиш замонавий системасини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари кўрилсин.

Орол муаммолари юзасидан илмий тадқиқотларнинг идораларарo комплекс Иттифоқ дастури ишлаб чиқилсин.

7. Автомат бошқарув системаларини кенг жорий этиб, Орол денгизи ҳавзасининг сув бойликларини бошқаришда «Амударё» ва «Сирдарё» ҳавзалари сув хўжалик бирлашмаларининг аҳамияти оширилсин. Бу бирлашмаларнинг мақомини ошириш, бирлашмаларнинг ходимларига давлат инспектори ҳуқуқларини бериш кўзда тутилсин. 1991 йилда мамлакат ҳукуматининг илгари қабул этилган қарорларида кўзда тутилганидек, ҳавзалардаги бирлашмаларга Амударё ва Сирдарёдаги сув хўжалик иншоотларини ишлатувчи ташкилотлар, сув тақсимлагич иншоотлари, гидроузеллар ва сув омборлари топширилсин.

8. СССР Вазирлар Кабинетига ва иттифоқдош республикалар олий давлат ҳокимияти идораларига давлат бошқарув идорасини тузиб, мамлакатда сув бойликларини республикаларо тақсимлаш ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш вазифаларини шу идора зиммасига юклаш тавсия этилсин.

9. СССР Бош прокурори 1991 йилда Орол денгизи ҳавзасида республикаларо табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасини тузсин.

10. СССР Олий Кенгашининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитети ҳамда СССР Олий Кенгашининг халқаро ишлар комитети СССР Ташқи ишлар министрлиги билан биргаликда БМТнинг атроф муҳит дастури (ЮНЕП) раҳбариятига мурожаат этиб, Орол денгизини қайта тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашишни ҳамда Оролбўйи муаммоларини БМТнинг саҳрога айланишга қарши кураш дастурига киритишни илтимос қилсинлар.

11. СССР Олий Кенгашининг экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитети билан СССР Олий Кенгаши халқ соғлиғини сақлаш комитети ушбу қарорнинг амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб турсинлар.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 4 март.

• Ҳамкасбимиз •

ҚЎШ ДИПЛОМЛИ ҚАЛАМКАШ

Касбимиз шунақа. Журналист ҳамма ҳақида ёзадию, у ҳақида ҳеч ким ёзмайди. Яқин вақтларгача шунақа эди, ҳозир ҳам қаламкаш панада. Дунёи боумид деганларидек, қаламкаш — матбуот ва оммавий ахборот соҳиблари ҳам юбилей ёшига тўладилар, орзу-ҳавас билан яшайдилар. Лекин уларнинг исмишарифлари ёзган мақолалари, лавҳалари, очерклари тагида қолиб кетаверади. Хайрият, бу оқ доғга яқинда, «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган журналист» деган унвон чиқиб, баъзи пешонаси ярқираган қаламкашлар шу олий унвонга сазовор бўлдилар.

Мен ижоди ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлганим журналистни кўпчилик танийди. Унинг сиймосини «Зангори экран» яъни жумҳуриятимиз ойнаи-жаҳонида тез-тез кўриб турадилар, унинг эл-юрт ташвишини қилиб айтадиган куюнчак гапларини қизиқиб тинглайдилар. У киши билан амалий давра суҳбатларида қатнашган у ёки бу соҳанинг раҳбарлари, корхоналарнинг директорлари, қурувчилар шу касбга таллуқли нозик саволларидан бош қашиб қолганларини кўп кўрганмиз. Баъзан у ёки бу раҳбар ходим масаланинг моҳиятидан «қочмоқчи» бўлса бекор овора бўлади. Бунинг учун қўл урган соҳангизнинг билимдони бўлишингиз лозим.

Сезган бўлсангиз керак, мен Ўзбекистон ойнаи жаҳони сиёсий шарҳловчиси, шу идоранинг иқтисодий-сиёсий кўрсатувлар ижодий бирлашмасининг директори Шуҳрат Қосимов ҳақида сўз юритмоқчиман.

Сўзга чечанлик, ҳар нарсага қизиқувчанлик Шуҳрат Қосимовда мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ намоён бўлган эди. Шеърни мақомига етказиб ўқир, ўзи ҳам шеър машқ қилар эди. Ўрта мактабни битиргач, шу йўлдан кетар деб ўйлагандик, у киши Ўрта Осиё Политехника институтига ўқишга кириб кетдилар.

Ўша талабалик кезларида у кишига нега бундоқ қилдингиз, истеъдодингиз бўлак эдику, деган саволимизга «Мен бу ишни билиб қилдим. Космос асрида журналистдан фан-техникани чуқур билиш талаб этилади. Аввал инженер бўлиб олай, кейин қаламкашликка ўтаман» деган жавобни эшитиб, тўғриси, бир оз катта кетмаяптимикин, деган андишага ҳам борди унинг дўстлари.

Шуҳрат ҳақ гапни айтган экан. Политехника институтини битиргач, саноат корхоналарида ишлаб юриб журналистика факультети— куллиётини сиртдан ўқиб битириб, матбуотга ишга ўтди. Аввалига нашриётларда техника адабиётларини таҳрир ва таржима қилди. Сўнгра «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига бўлим мудири, кейинроқ «Тошкент бинокори» рўзномасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Тошкентда зилзила оқибатларини тугатишда у бошидан охиригача муҳаррирлик қилган «Тошкент бинокори»нинг ҳам салмоқли улуши бор.

Шу давр мобайнида у жумҳурият матбуотида, радио ва телевиденида қурилиш ва архитектурага оид муаммоли масалаларни кўтарди, ўнга яқин оммавий-сиёсий мавзуларда китоблар

чоп эттирди. Бу китоблар чуқур илмий асосда ёзилганлигининг натижасида тарих фанлари номзоди деган илмий даражани олишга муваффақ бўлди.

Номаи-аъмолни оқ қоғозга туширишлик бир ўтиришлик иш. Бироқ журналистнинг ҳар бир куни қайноқ ҳаёт оғушида, ўй-фикрлар курашида ўтишини бир тасаввур қилиш учун мисол келтириш жоиздир.

Ғирт турғунлик йиллари эди. Ўша даврда бирор кимсани танқид қилиш амри маҳол кезлари. Қурилишдаги ва архитектура соҳасидаги палапартишликлар, пораҳўрлик ҳақида танқидий мақола ёзиб азобини тортишни фақат Шуҳрат акага ўхшаш бошига тушганлар билади. Битта танқид учун ойлаб юқори ташкилотлар эшигида сарсон-саргардон кезганлардан сўрайсиз бунинг азобини...

«Ҳаёт курашдан иборат, — деб бежиз айтишмаган экан, — деб эслайди Шуҳрат ака. — Мен Тошкентдаги марказий авиакассада ҳар бир билет устига ўн сўм «шапка» қўйиб сотаётганлар ҳақида фельетон ёзиб, партиядан ўчиб кетишимга сал қолган эди. Ҳозир эса ўша авиабилетнинг беш-ўн баравар кўпроқ «шапка»си бор...».

Журналист ҳаётининг энг қийин жойларидан бири — маош масаласида. Агар ўлибқутилиб ўн беш кунда битта мақола ёзмасанг олган маошингга қозон қайнатиш амри маҳол. Қалам аҳлининг кўрган куни маошдан-маошгача. Гонорар ишлаш учун уйқудан, ормдан кечиш керак. Буларнинг ҳаммасига чидаб, яна олтмиш йил умр кўриш мўъжиза, деб юборасан, гоҳо.

Лекин қаламкаш бирор марта бу ҳақда оғиз очмайди. Чунки ўзинг севган ошни айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам. Агар яхши, фаровон яшамоқни истасанг ўзингни «мойли» соҳага уришинг керак. Журналист бундай қила олмайди. Бошқа соҳага ўтиб йиллар бўйи ишлаган кишиларнинг яна журналистикага қайтганларини кўп кўрганмиз.

Шуҳрат ака ана шу хайрли ва машаққатли ишга бор онгли умрини сарфлаб келяпти. Салкам ўттиз йилдан бери СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, жумҳурият журналистлар уюшмасининг совриндори, «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими» Шуҳрат Қосимов олтмиш ёшни қаршилаяпти. Узоқ яшанг, ижодий баркамоллик сизни тарк этмасин, азиз дўстимиз. Юқорида айтганларимиз биздан сизга табрик бўлсин.

Р. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати.

КОНКРЕТ, ЎТКИР СУҲБАТ

5 март куни СССР Вазирлар Кабинетининг аъзолари СССР касаба уюшмалари умумий конфедерациясининг, ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмаларининг раҳбарлари билан учрашдилар. Нарх белгилашни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ошкора, конкрет ва ўткир суҳбат бўлди.

Учрашувда раислик қилган СССР Бош вазири В. С. Павлов ўзининг якунловчи нутқида ҳукуматнинг муҳокама қилинган масалалар хусусидаги позициясини баён қилди ва бундай учрашувлар касаба уюшмалари билан давлат бошқаруви олий идораларининг амалий ҳамкорлигига ёрдам беради, деб умид билдирди.

(ТАСС).

• Спорт • • Спорт • • Спорт •

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

Якшанба куни мамлакат чемпионати байроғи кўтарилади

Орзиқиб кутилган дамлар келди. Ўлкамиз мухлислари янги мавсумни ҳар қачонгидан кўтаринки руҳда қаршиламоқдалар. Бонси, Ўзбекистон футболи оммавийликнинг тимсоли сифатида чемпионатнинг барча лигаларида ўз вакиллари билан қатнашиш имкониятига эга бўлиб турибди. «Пахтакор» бир неча йиллик танаффусдан кейин яна олий лига жамоалари қатори куч синашишга шайланиб турган бўлса, Фарғонанинг «Нефтянник», Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари илк бор биринчи лига нафасидан баҳраманд бўладилар.

Бу йилги чемпионат жанубий ўлкаларда эндигина кўклам шабадаси эса бошлаган, майсалар сабза ураётган паллада бошланмоқда. Қизиғи шундаки, «Пахтакор» мавсумни ўзига хос санани нишонлаш билан бошлайди. Шу боис, севимли командамизнинг босиб ўтган йўлига бир назар ташласак, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлар, деган умиддамиз. Маълумки футболчиларимиз 1956 йилнинг 8 апрелида мамлакат чемпионатининг «Б» классида қатнашаётган Молотов шаҳрининг командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида зафар қучган эди. Ана шу учрашувдаги ягона тўпни ўзбек футболчилари орасида биринчи спорт устаси Л. Мақсудов дарвозага йўллаганди.

1960 йилда олий лига жамоалари сафини кенгайтириш мақсадида қучли командалар қабул қилинди. Ушанда «Пахтакор» футболчилари ҳам олий лигачилар сафига қўшилишган. Командамиз юқори лигада дастлабки ғалабага 2-май куни. Таллинн шаҳрида «Калев» футболчиларини 3:2 ҳисобида доғда қолдириш билан эришган эдилар. Биринчи тўпни кейинчалик Федотов клубига фахрий аъзо бўлган, моҳир тўпурар Геннадий Красницкий дарвозага киритган эди. 60-йилларда тўп суриб, чапдастлик кўрсатган ўйинчилардан Б. Климов, Ю. Пшеничников, А. Азизхўжаев, А. Козенков, В. Суюнов, О. Моторин, М. Шарипов, В. Тожиров, И. Газетдинов, С. Стадник, Л. Мақсудов ҳамда Р. Зокиров, В. Штерн, Ҳ. Раҳматуллаев, Б. Абдураимов кабиларни мухлислар ифтихор билан тилга оладилар.

Командамиз «Пахтакор» бўлиб майдонга тушгандан бери чемпионат, кубок ва халқаро ўйинларда жами 1490 учрашув ўтказди. Шундан 692 таси олий лигачилар сафидаги учрашувларга тўғри келади. Пахтакорчилар кейинги олти мавсумни биринчи лигада ўтказишди. Бу даврда командага И. Секеч, В. Тихонов, Б. Абдураимов, В. Носов, Т. Исоқов ва Ф. Новиковлар устозлик қилишди. СССРда футболни оммавийлаштириш, маҳоратли спортчилар тарбиялашдек хайрли ишга муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган «Пахтакор»га тажрибали устоз Фёдор Новиковнинг бош бўлиб тургани бежиз эмас. У қариб ўн икки йил мобайнида таниқли мутахассис Константин Бесковга камарбаста бўлгани ҳам шундан далолатдир. Ф. Новиков футболчиларимизга устозлик қила бошлагандан кейингина юксак марраларни кўзлаш, ишонч ва умидворлик юзага келди.

Футболчиларимиз ўтган йили сафар учрашувларида «Қайрат», «Нистру», «Спартак» каби кучли командаларни енгиб, анча иззат топдилар. А. Яновский, С. Бондаренко, Г. Денисов, Х. Огонесян, А. Пятницкий, И. Шквирин, М. Қосимов сингари тажрибали футболчилар билан бир қаторда Р. Галиев, И. Шарипов, В. Клочков, В. Бунтов, Н. Ҳасанов, С. Турсуновлардек ўринбосарлар камол топаётгани кўзга ташланди. Александр Пятницкий «Пахтакор» тарихи саҳифаларини безаб турган Михаил Ан ва Владимир Фёдоровлардан кейин халқаро классдаги спорт устаси унвонини қўлга киритди.

Ўтган мавсумни муваффақиятли якунлаган пахтакорчилар 38 ўйинда 54 очко тўплаб, иккинчи бўлишди. Дарвозалар 80 марта ишғол қилинди. Ҳужумчи Игорь Шквирин ўз ҳисобини 37 тага етказиб, тўпурарларга сардор бўлиб қолди. «Пахтакор» ўз майдонидаги учрашувларнинг биронтасида ҳам мағлубият аламини тотмаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

● «Пахтакор» командаси таркиб топганига 35 йил бўлади. Бу, ўзига хос сана «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари учрашувида нишонланади.

● Футболчиларимизнинг олий лигага йўлланма олишганига 31 йил бўлди. Вакилларимизнинг олий лигани тарк этган мавсумлари ўн йилга тенг.

● Пахтакорчиларнинг жами расмий учрашувлари 1490 тага етган. Янги мавсум, апрелда уларнинг олий лига вакиллари билан учрашувлари етти юстадан ошгани қайд қилинади.

● Биринчи учрашув — «Пахтакор» — «Черноморец» футболчиларининг ўйинлари қизиқарли бўлиши кутилмоқда.

«Пахтакор» олий лигада тўрт марта (1960—63, 1965—71, 1973—75, 1978—84 йиллар) куч синашга муваффақ бўлди. Жами йигирма бир йил. Бу даврларда ўйинчиларимиз икки марта кучли олтиликдан ўрин олишди. Бир марта СССР кубогининг финалига чиқишди.

Пахтакорчилар янги мавсумни бешинчи марта олий лигага қайтиш билан бошлашмоқда. Янги, 22-мавсум футболчиларимиз учун бетакрор баҳслар, кутилмаган тасодифлар, қолаверса, зафарларга бой бўлиши кутилмоқда.

Футболчиларимиз мавсумга пухта ҳозирлик кўришган. Улар ўтган йилнинг охиридан бошлаб мавсум тараддудига киришдилар. Табиийки пахтакорчилар таркибида ҳам бир мунча ўзгаришлар бўлди. Ҳар хил сабаблар билан А. Яновский, А. Жабборов, С. Бондаренко, У. Рўзимов, Қ. Тўраев, А. Миклявевлар командани тарк этишди. Уларнинг ўрни Ю. Перескоков («Спартак», Владикавказ), Д. Гуленков («Волга» Тверь), В. Новиков («Спартак», Москва), Р. Узоқов («Зарафшон», Навоий), А. Маъруфалиев («Соҳибкор», Халқобод) каби ўйинчилар ҳисобига тўлдирилди. Айрим ўйинчиларни таклиф қилиш қийин кечди. Чунончи А. Қаюмов, С. Бураков, В. Землин, С. Павлючук ва Ч. Муҳадовларни майдонда кўриш имконияти бўлмай турибди.

Мавсумга тайёргарлик асосан Тошкент яқинидаги Қибрай спорт комплексида олиб борилди. «Пахтакор» хотирасоврини учун мусобақа, Малайзия сафари ҳам чемпионатга шайланиш босқичи тарзида ўтди.

Бугунги кунда ўлкамизнинг 9 нафар футболчиси СССР терма командаларига аъзо бўлиб туришибди. Жумладан, А. Пятницкий, М. Қосимов, О. Соловьев, С. Ғаффоров, П. Бугало, Э. Назаров, А. Яровой, В. Кечинов, О. Шацкихлар яқин келажакда жумҳуриятимиз футбол нуфузини сарбаланд этувчи йигитлар сафидан ўрин олишига ишонч мавжуд.

10 март пахтакорчиларнинг яна олий лигага қайтиб, кучлилар билан илк марта расмий учрашувда куч синашган куни бўлиб қолади. Вакилларимиз Одессанинг «Черноморец» футболчиларини қабул қилишади. Кейин «Днепр» меҳмонимиз бўлади. Тошкентликлар «Шахтёр» ва «Спартак» майдонларида ўйнаб, «Торпедо», «Локомотив» жамоаларини қабул қилишади. «Металлист» майдонида ўтказиладиган учрашув ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Зотан, 27 апрель куни Белоруссия пойтахтида маҳаллий динамочилар билан бўладиган учрашув ўзига хос тантанага айланиши мумкин. Бу учрашув пахтакорчилар учун олий лигадаги 700-ўйин бўлади.

Маълумки, пахтакорчилар мавсумни асосий ва ўринбосарлар состави билан ўтказадилар. Учрашувларда Ўзбекистон спорт шанини кимлар ҳимоя қилади? Ҳозирча команда устозлари дарвозабонлар Ю. Перескоков, Д. Гуленков, ҳимоячилар Г. Денисов, Ф. Муҳамедов, С. Турсунов, Р. Узоқов, ярим ҳимоячилар А. Пятницкий, М. Қосимов, Х. Огонесян, И. Шарипов, Н. Ҳасанов, В. Клочков, В. Новиков, О. Усмонхўжаев, А. Балаян, Ж. Абдураимов, ҳужумчилар И. Шквирин, Р. Галиев, В. Бунтов, С. Ходиев, А. Маъруфалиев, Ш. Мақсудов, В. Дегтёвларга умид боғлашмоқда. «Пахтакор» футбол клубининг президенти ва команда бошлиғи И. Фозилов, бош тренер Ф. Новиков, тренерлар В. Борисов, А. Толибжонов, М. Ғуломовлардан иборат мутасаддилар мавсумолди масъулиятини ҳис этиб турибдилар. Пахтакорчилардан икки киши халқаро классдаги спорт устаси, уч нафари спорт устаси бўлиб, беш киши олий маълумотли ўйинчилардан ҳисобланади. Ёши «улуғ» футболчи Х. Огонесян 36 баҳорни кўрган бўлса, С. Турсунов, О. Усмонхўжаев, А. Балалян, Ж. Абдураимов, С. Ходиевлар ўн тўққизга киришган. Демак, ўртача ёш 23 га тенг экани аён бўлмоқда.

Ўлкамизга катта футбол ташриф буюрди. Мухлисларнинг қувончи чексиз. Ўйлаймизки пахтакорчилар масъулиятли мавсумни ҳужумкорлик руҳида ўтказиб, миллионлар ишончини қозонишга интиладилар. Мухлислар эса уларнинг руҳларини кўтариб, стадионда ўтириш одобига риоя қилган ҳолда кўпроқ ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишга интиладилар, деб умид қиламиз.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон жумҳурият физкультура ва спорт давлат комитетининг тарғибот бўлими бошлиғи.

Ўйинлар... Йиллар...



«Пахтакор» 70-йилларда: майдонда Тўлаган Исҳоқов.



«Пахтакор» 80-йилларда: моҳир тўпурар Андрей Якубик.

«Пахтакор» 90-йиллар бошида: Андрей Пятницкий мавсумга шай.

АЗАЛИЙ АНЪАНА

Ф. Новиков, пахтакорчилар устози

— Мавсум бошидан бўш келмаймиз, деб катта ваъда берсам, балки кўпчиликка эриш туюлар. Аслини олганда, шундай дейишга имконият етарли. Бонси пахтакорчилар сафи бут. Мудофаа ва ҳужум чизиқлари ҳам чакки эмас. Команда составини таркиб топтиришда анчайин қийинчиликларга дуч келган бўлсакда, лаёқатли йигитларни саралашга имкон топдик. Мухлислар «Пахтакор» мавсумга ҳозирлик кезлари бирорта ҳам олий лига вакили билан учрашмадику, деб эътироз билдиришмоқда. Албатта, бу мулоҳазани эътироф этиш керак. Бинобарин биз тайёргарлик кўришда ўзига хос йўл тутганимиз. Чунончи, қуйи лига жамоалари билан жами 10 та учрашувда қатнашиб, фақат биттасини бой бердик. Олий лига командалари ўйинларини эса ўргандик. Жумладан, биз билан майдонга тушадиган командалар учрашувларини ёзиб олинган ҳолатини ойнаи жаҳонда кўриб, кўпроқ таҳлил ва мулоҳазага эътибор бердик. Хулоса қилиб айтганда ҳозирча Киев динамочиларидан бошқа жамоаларга бас келаоламиз, десак бўлади.

Пахтакорчилар мавсумга ҳозирлик кўришни ўрнига қўйишди. Зеро, марказий ўйингоҳимиз дилтортар масканбўлмай турганидан андак ташвишдамиз. Бунинг устига, 10 март куни, соат 5.00 да бошланадиган Одессанинг «Черноморец» командаси билан учрашув ҳақида эълон ва афишаларнинг кўзга ташланмаётгани кайфиятни бузиб турибди. Шунга қарамай, футболчиларимиз «Пахтакор»га хос азалий анъана — ҳужумкорликка зўр бериб, ишқибозларни қувонтиришга ҳаракат қиладилар.

«ПАХТАКОР» ҲОМИЙСИ

С. Мавлонов, «Бухороомега» қўшма корхонасининг президенти

— Корхонамиз иш бошлаганига кўп бўлганича йўқ. Шунга қарамай, хайрли ишларга қўл уряпмиз. Биз асосан Италиянинг Фурс фирмаси билан ҳамкорликда мўйна ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхонада фаолият кўрсатмоқдамиз. Мавсум арафасида севимли «Пахтакор» командасини ҳомийликка олиб, савобли ишларга қўл урдик! Дастлабки амалга оширилган иш пахтакорчиларга Грециядa тайёрланган кийим-бошларни олиб келиш бўлди. Футболчилар бежирим тикилган майка ва пойабзаллардан беҳад мамнун бўлишди. Узаро ҳамкорлик мобайнида пахтакорчиларнинг Грецияга борищи мўлжалланяпти. Чунончи, май ойи охирларида пахтакорчилар сафарда иккита учрашув ўтказишлари мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда пахтакорчиларнинг кайфиятларини кўтариб, уларнинг мароқли ва мазмунли ўйинлар кўрсатишларига имкон яратишга ҳаракат қиламиз.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ТАБИАТДА ҚУВВАТ-АХБОРОТ

АЛМАШУВИ МУАММОЛАРИНИ УРГАНИШ УЮШМАСИ

«ХИСЛАТ» марказининг аъзоси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган руҳшунос табиб, нафақат Ўзбекистон жумҳуриятида, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятининг ОЛМАОТА, ЖАМБУЛ, БИШКЕК ва бошқа шаҳарларида, шу жумладан Тошкент шаҳрининг «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт саройида кўп сонли мухлисларнинг ҳурматига сазовор бўлган МОСКВА табобат маркази сертификат дипломининг соҳиби

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ

НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Ушбу сеанс кўп сонли шифо топаётган беморларнинг талабига мувофиқ Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрининг «ВАТАН» кинотеатрида 11 мартдан 16 мартгача соат 11 да ва 16.00 да (саломатлик сеанслари) бўлиб ўтади.

Руҳий таъсир остида инсоннинг олий асаб системасини кўпгина функционал касалликлари, жумладан: шол, соқовлик, дудуқланиш, қулоқ эшитмаслиги, кўрлик, ҳар хил невротик ҳолатлар, семизлик, ҳаддан ташқари озиб кетиш, асаб касалликлари, юрак сиқилиши, жинсий заифлик, бефарзандлик, буйрак тош касалликлари, нафас қисиши, қанд касаллиги, ошқозон яраси, псевдоревматизм, псориаз, терига оқ тушиши, қичима, баданда туз йиғилиши, юрактомир касалликларини 5—6 сеансда даволашга ҳаракат қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 2-47-53, 2-58-12, 2-24-18.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг Ўзбекистон телевидениеси жамоаси катта муҳаррир А. Файзиевга отаси

Абдулмуҳаммад ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси бошқаруви Қорақалпоғистон Журналистлар Уюшмасининг раиси К. Бекжоновга онаси

Оймирекс ҚУЖИКЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетининг Қурилиш комплекси раҳбар ходимлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқлараро илмгоҳи жамоаси илмгоҳ проректори Н. А. Абдуллаевга акаси

Қўйсин Аъзамович АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси республика сув хўжалигининг кекса ходими, Каркидон сув омборидан фойдаланиш бошқармасининг собиқ бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Хорунбой ЭРМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Сиёсатшунослик ва бошқарув институти жамоаси институт директори, тарих фанлари доктори, профессор

Мавлон Ғаффорович ВАҲОБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси институт директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Х. Саидовга акаси

Акбар ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тарафкашни ўртага чорлаш, енгилмаслик, олқиш остида қўл кўтариш полвонга хосдир. Ўзбекистонда классик, эркин, самбо, дзюдо, қолаверса, миллий кураш бўйича беллашувларнинг муросасиз баҳсга айланиши ҳам шундан.

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВЛАР

ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА МАМЛАКАТНИНГ БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, жумҳуриятимизда курашнинг шарқона турлари тобора оммавийлашиб бормоқда. Каратэ, у-шу, таэквондо каби яккама-якка беллашувга қизиқувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Хўш, таэквондо нима? Спортнинг бу тури қаерларда оммалашган? Сирасини айтганда, у ҳам узоқ Шарқ мамлакатлари халқлари ўртасида кенг тарқалган. Хусусан Жанубий Корея таэквондочилар ватани ҳисобланади. Минглаб спортчиларнинг севимли машғулотига айланган каратэдан бироз фарқ қилувчи бу кураш тури ҳам қизиқарли манзара касб этади.

Айтайлик, каратэда полвонларнинг кўпроқ қўллари ҳаракат қилса, таэквондо баҳсида оёқлар ҳам ишга тушади. Бу билан таэквондо беллашуви нисбатан мураккаб ҳаракатлар мажмуасига айланади. Курашаётган рақиблар ўзаро яқин масофадан туриб бир-бирларини мағлуб этишга уринадилар. Фақат қўл билан рақибнинг бошига уриш, тирсак, тизза ва бош билан зарб беришлар ман этилади. Спортчининг боши алоҳида кийим билан ҳимояланган бўлади. Бир сўз билан айтганда миллионларни ром этаётган таэквондо яқин йиллар ичида спортнинг олимпиада турларидан бирига айланиши кутилмоқда.

Аслини олганда, ҳаммаси икки йил аввал Жанубий Кореяда ўтказилган спорт фестивалидан бошланди. Ушанда биз собиқ уч каратэчи Сеул шаҳрида бўлиб, илк бор таэквондо баҳсларини томоша қилган эдик. Шунда спортнинг бу ажиб турини Ўзбекистонда оммалаштиришнинг имкони йўқмикан, деган фикрга борганмиз. Ҳаракат ва ташаббусларимиз республика спорт комитети томонидан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон таэквондо федерациясига асос солинди. Ҳозирги кунда мамлакат терма командасига бошчилик қилаётган Олег Пяк федерация раисига ўринбосар этиб тайинланди. Ўзбекистон таэквондочиларига Алексей Кан устозлик қилмоқда.

Қисқа даврда спортнинг мазкур тури жумҳуриятимизда кенг оммалашди. Иттифоқ ва халқаро баҳсларда эришилаётган муваффақиятлар ҳам шундан далолат. Федерациямиз хўжалик ҳисобида бўлиб, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши кўзда тутилган. Иттифоқда ягона федерация бўлганимиз учун бизнинг ишимизга қизиқиб қаровчилар, таклиф ва мулоҳаза айтувчилар, кўпайиб борди. Бултур май ойида ўзига хос имтиҳондан ўтишга тўғри келди. Таъбир жоиз бўлса, таэквонда мутасаддилари — Жанубий Корея «Кукивон» академияси таълимотини олишга бордик. Икки ҳафталик ўқувдан кейин халқаро таэквондо федерацияси бош котиби Чунг Ву Лининг ўзи маҳоратимизни кўздан кечирди. Натижада бизга иккинчи даражали қора белбоғ инъом этилди.

Ўзбекистонга қайтгач, таэквондо бўйича республика семинари ўтказилди. Унда юздан ортиқ киши қатнашди. Ҳакамлар йиғини ҳам мароқли ўтди. Кузга бориб, Тверь шаҳрида ўтказилган биринчи Бутуниттифоқ мусобақасида қатнашиб, 6 та олтин, иккита кумуш медалига сазовор бўлдик. Ўзбекистонлик Равшан Тошпўлатов, Сергей Шмонов, Александр Пак, Константин Кузнецов, Олег Шевченко, Александр Кимлар дастлабки совриндорлардан ҳисобланади. Ўтган йилнинг ноябрида эса Жанубий Кореядан келган меҳмонлар иштирокида Евпатория шаҳрида яна бир ўқув-машғулот йиғини ўтказилди. 200 спортчи қатнашган бу анжуманда 13 нафар йигитимиздан 7 нафари биринчи даражали қора белбоғни қўлга киритди. Қолган спортчиларимиз иккинчи даражали баҳо олишди. 14 вакилимиз халқаро тоифадаги ҳакам номига сазовор бўлди. Йил охирида Минск шаҳрида СССР кубоги учун мусобақалар уюштирилди. Вакилларимиз бўш келишмади. Таэквондочиларимиз бешта олтин, учта кумуш медали жамғариб, бош совринни қўлга киритишди. Янги йил мавсумини ана шундай кўтаринки кайфиятда бошладик.

Эрон пойтахтида ўтказилган халқаро мусобақа ҳам муваффақиятли бўлди. Беш нафар спортчимиз бронза медали билан қайтишди. Уларнинг орасида Равшан Тошпўлатовнинг маҳорати ошиб бораётганлигини эътироф этиш керак. 17 ёшли бу спортчи ҳозирча жигарранг белбоғ эгаси бўлиб туришига қарамай, эронлик қора белбоғ соҳиби билан беллашиб, мутахассислар эътиборини қозонди.

Хуллас, таэквондо бўйича мамлакат биринчи чемпионатини Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас. Бонси, Ўзбекистон спортнинг шарқона турларини ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашда Иттифоқда ягона жумҳуриятлардан бири ҳисобланади. Республика пойтахтининг йирик спорт маскани — марказий «Юбилей» спорт саройида мамлакатимизнинг энг кучли таэквондочиларининг тўпланиши кўзда тутилган. Юздан ортиқ шарқона беллашиш усталари мухлислар олдида ўзларининг қизғин, муросасиз ва бетакрор ҳаракатлари билан маҳорат кўрсатадилар. Мусобақага республикамиз вакиллари ҳам пухта ҳозирлик кўришган. Ўйлаймизки 16 нафар спортчимиз астойдил курашиб, ишқибозлар ишончини оқлашга ҳаракат қилишади.

Ли АДИК,
Ўзбекистон ССР таэквондо федерацияси раиси.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ФУТБОЛ. Европа кубоклари учун чорак финал учрашувлари ўтказилди. Пойтахт спартакчилари Мадриднинг «Реал» командасини қабул қилишди. Учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди. Киев динамочилари билан Испаниянинг «Барселона» ўйинида меҳмонлар 2:3 ҳисобида устун келишди. «Брондбю» (Дания) — Торпедо (М) учрашуви 1:0 ҳисобида тугади.

● МЕРГАНЛИК. Лондонда ўтказилган Европа биринчилигида самарқандлик Андрей Романов кумуш медали совриндори бўлди.

МИННАТДОРЧИЛИК

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси жамоаси Хотин-қизлар байрамига бағишланган даврада маданий хизмат кўрсатганликлари учун жумҳурият Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг хонанда ва созандалари Озода Назарова, Қаюмжон Усмоновга ўз миннатдорчилигини билдиради.

(«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ 12 МАРТДА ЧИҚАДИ).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва таҳлил — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5091.

№ 48. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12